

РУСИЙЗАБОН ЎҚУВЧИЛАРГА МИЛЛИЙ РЕАЛИЯЛАРНИ ЎРГАТИШДА УЗЛУКСИЗЛИК

М.Раҳматуллаева,

Тошкент ДПУ

Маълумки, маънавий тарбия қанча эрта бошланса, у инсонга шунчалик чуқур сингийди, чунки “маънавият инсоннинг қон-қони, суяк-суягига йиллар давомида она сути, оила тарбияси, аجدодлар ўғити, Ватан туйғуси билан катра-катра бўлиб сингиб боради”. Шу боис “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” томонидан республикамиз таълим тизими олдига таълим тизимининг барча босқичларида ёшлар тарбиясига жиддий эътибор қаратиш, ўқувчиларга миллий маънавий қадриятларни сингдириш вазифаси қўйилган.

Кўп миллатли республикамизда яшовчи турли миллатлар вакилларига умуминсоний қадриятлар билан бир қаторда миллий маънавий қадриятларимизни ҳам сингдириб бориш, уларда ватанпарварлик, халқимизга садоқат туйғуларини шакллантиришга ёрдам беради. Ўзбекистонда яшовчи бошқа миллат вакилларига ўзбек халқининг урф-одатлари, анъаналари, маънавий қадриятлари, миллий реалиялари ҳақида маълумотлар бериш, ўзбекча муомала одоби қоидаларини сингдириш, халқимизга хос миллий маънавий қадриятларни умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштиришда айниқса ўзбек тили таълимининг ўрни ва аҳамияти ниҳоятда катта.

Хусусан, республикамизда яшовчи турли миллат вакиллари фарзандларига миллий реалияларни ўргатишда ўзбек тили таълимининг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Тилни иккинчи тил сифатида ўқитишда тил таълимини маданият масалалари билан уйғунликда олиб бориш самарали натижалар бериши тасдиқланган. Жумладан, рус ва хорижий тилларни ўқитиш методикасида ўрганилаётган тил соҳибларининг яшаш тарзи, миллий

маданияти, санъати, қизиқишлари, ахлоқ-одоб этикаси, муомала одобига оид маълумотлар билан таништириш, муомала маданиятини сингдириш масалалари чуқур ва кенг тадқиқ қилинган.

Афсуски, бугунги кунгача ўзбек тили таълимида бошқа миллат вакилларига миллий маънавий кадриятларимизни сингдириш юзасидан махсус тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Ўқувчиларга миллий маънавий кадриятларни сингдириш юзасидан олиб борилган мавжуд илмий тадқиқот ишлари асосан адабиёт фанини ўқитиш билан боғлаб олиб борилган бўлиб, бошқа миллат вакилларига ўзбек тили таълимида маънавий кадриятлар воситасида миллий реалияларни ўргатиш ҳали тадқиқот объекти бўлган эмас ва ўз ечимини кутаётган долзарб масалалардан биридир.

Шуни қайд қилиш жоизки, таълим бошқа тиллардаги мактабларда ўзбек тили 2-синфдан бошлаб ўқитилса-да, “Ўзбек тили” фанидан амалдаги ўқув дастурлари ва дарсликларда ўзбекча муомала одобига оид нутқий курилмалар, ибораларни 5-синфдан бошлаб берилиши режалаштирилган. Ваҳоланки, ўзбек тилидаги саломлашиш, хайрлашиш, мурожаат қилиш ва танишиш иборалари русийзабон ўқувчиларига айнан бошланғич синфлардан, ва, ҳатто, мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб ўргатилиши кераклиги илмий-методик ишларда ҳам қайд қилиб ўтилган.

Таълим рус ва бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда, қайд қилинганидек, ўзбек тили 2-синфдан бошлаб ўқитилади ва 2-, 3-синфларда ўзбек тили дарсларида асосан ўқувчиларнинг луғатини бойитиш, уларни атоқли ва турдош отлар, шахс ва касб отлари, нарс-буюмлар, ҳайвонлар, қушлар номлари, қариндошликка оид атамалар, кийим-кечак, уй-рўзғор буюмлари, урф-одатлар, анъаналар номлари билан таништириш, 4-синфда эса мактабдош дўстлар билан мулоқотлар, уй юмушларига қарашиш, кўчада, транспортда юриш-туриш одатларини касб танлаш, ошхонада, бозорда муомала қилиш муносабатлари билан таништирилади.

Бизнингча, луғат устида ишлаш жараёнида русийзабон ўқувчиларга муомала одобига хос бўлган сўзлар ва ибораларни ҳам ўргатиб бориш

мақсадга мувофиқ. Бу ўринда Н.Маҳмудов ва Б.Тўхлиевларнинг “Ўзбек тилини ўрганамиз” ўқув қўлланмасида, *тўн, дўппи, нимча* каби кийим-кечаклар, *сомса, палов, патир* каби таомлар номларини, А.Ҳожиев ва Х.Мухитдиновалар томонидан тузилган “Ўзбекча-русча, русча-ўзбекча расмий луғат” ўқув қўлланмасида ўзбекча фразеологик ибораларнинг расмлар ва сўзлар воситасида изоҳлаб бериш тажрибасининг қўлланганини алоҳида таъкидлаб кўрсатиш мумкин. Бизнингча, бошланғич синфлар учун “Ўзбек тили” дарсликлари ҳам шу каби материаллар киритилса, русийзабон ўқувчиларнинг ўзбекча миллий реалияларни ўрганиб боришлари осонлашади. Ўзбекистонда яшовчи бошқа миллат вакиллари ҳам миллий реалияларни ўргатиш ва улар воситасида ўзбек халқининг урф-одатлари, анъаналари, ўзбекча муомала одоби қоидаларини уларга сингдириб боришда ўзбек тили таълимининг аҳамияти ниҳоятда катта.

Миллий реалияларни ўргатишни айнан таълим тизимининг бошланғич босқичидан бошлаш ва буни ўзбек халқининг урф-одатлари, анъаналари, ўзбекча муомала одоби қоидалари воситасида сингдириб бориш мақсадга мувофиқ. Таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар бошланғич синфларида ўзбек тили дарсларида миллий реалияларни ўқувчиларнинг ёшига мос равишда узлуксизлик асосида бериш ва бошланғич синфлардан бошлаб маънавий қадриятлар воситасида босқичма-босқич муайян узлуксизликда ўргатиб бориш русийзабон талабаларда ватанпарварлик, юртимизга садоқат туйғуларини шакллантиришни таъминлашга олиб келади.

Ҳозирги кунда таълим рус ва бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда турли миллатлар вакиллариининг таълим олишини, улар орасида ўзбеклар кўпчилиқни ташкил этишини, шунингдек, ўзбек тили мактабгача таълим муассасаларида ҳам ўргатилаётганини назарда тутиб, ўқувчиларига миллий реалияларни босқичма-босқич ўргатишни қуйидагича режалаштириш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

2-синфда: саломлашиш, хайрлашиш, мурожаат қилиш ва танишиш иборалари, қариндошликка оид атамалар, кийим-кечак, уй-рўзғор буюмлари, урф-одатлар, анъаналар номлари билан таништириш;

3-синфда: қариндош-уруғлар номларини ўргатиш ва оилада бува, буви, ота, она, ака, опа, ука, сингилларга муомала қилиш, мактабдош дўстлар билан мулоқотлар, уй юмушларига қарашиш, кўчада, транспортда юриштириш одатлари ва муомала одобига хос бўлган сўзлар ва ибораларни ўқувчилар нутқига сингдириш воситасида ўқувчиларда мазкур ахлоқий меъёрларни шакллантириш;

4-синфда: қариндошлар, қўшнилари ўртасидаги муносабатлар, меҳмон кутиш, миллий таомлар пишириш, дўконда, бозорда харид қилиш одатлари ва муомала одобига хос бўлган сўзлар ва ибораларни; кўчада, транспортда, қарияларга ёрдам ва эҳтиром кўрсатиш, ўзидан кичикларни иззат қилиш жараёнларида қўлланадиган ўзбекча муомала-мулоқот шаклларида ўқувчилар нутқига сингдириш ҳамда улар воситасида ўқувчиларда шунга боғлиқ миллий-маънавий ахлоқий меъёрларни шакллантириш.

Шуни ҳам қайд қилиш керакки, дарсдан ташқари ўтказиладиган турли тадбирлар, масалан, Мустақиллик байрами, Янги йил байрами, Наврўз айёми ва унга боғлиқ анъаналар, ҳашарларда иштирок этиш каби урф-одатларимизда қўлланадиган миллий реалияларни ўргатиш ҳам ушбу маънавий қадриятларни сингдиришда катта аҳамиятга эга. Русийзабон ўқувчиларига миллий реалияларни шу тарзда босқичма-босқич ўргатиш ўзбек тили таълимида узлуксизликнинг таъминланишига, шунингдек, уларнинг республикамизнинг давлат тилини пухта ўзлаштиришлари учун ҳам ёрдам беради.